O'ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№5 (758) 2024 йил 23 январь, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббиёт сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган. Бу ислоҳотларни жадаллаштириш ва ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида халқаро экспертлар иштирокида таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида "Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази" лойиҳа офисини ташкил қилиш таклиф этилмоқда. У давлат тиббий суғуртаси тизимини ҳамда давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш, тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини кучайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим тизими ва илм-фан соҳасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш каби йўналишларга масъул этиб белгиланади. Шунингдек, бу марказ рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, давлат харидлари шаффофлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилишга кўмаклашади.

Лойиҳа офиси фаолиятига ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассислари, шунингдек, хорижий эксперт ва маслаҳатчилар шартнома асосида жалб қилинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган ислоҳотлар етук кадрлар салоҳиятини талаб этади. Шу боис бу борада бир қанча чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилади. Унда жамоат саломатлиги, профилактик тиббиёт, жисмоний фаоллик ихтисосликлари бўйича магистрлик йўналишлари очилади. Тиббиёт йўналишидаги талабалар билимини халқаро тан олинган тизим асосида, икки босқичда давлат имтиҳонлари орқали баҳолаш йўлга қўйилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб, тиббиёт олийгоҳларининг 200 нафар битирувчиси магистратура ва клиник ординатура дастурлари асосида етакчи хорижий таълим муассасаларида ўқитилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, эндокринология, дерматовенерология ва косметология марказлари, Болалар миллий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт маркази халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Жорий йилда амалдаги 40 та санитария қоида ва нормалари қайта кўриб чиқилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлаш юзасидан топшириқ берди.

**ЎзА.**

# СПОРТДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасида эришилган натижалар ва халқаро мусобақаларга кўрилаётган тайёргарлик бўйича ахборот берилди.**

Мамлакатимизда спорт анча оммалашган, ёшлар спортсевар. Давлатимиз раҳбари ғояси билан ташкил этилган "Беш ташаббус олимпиадаси" жисмоний маданиятни янада кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили мазкур олимпиада доирасидаги мусобақаларда 6 миллион 400 минг нафар ёшлар қамраб олинди. Спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган, олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда 449 та намунавий спорт майдончаси барпо этилди.

Беш босқичли оммавий мусобақаларда қарийб 12 минг нафар иқтидорли ёшлар танлаб олиниб, спорт мактабларига йўналтирилди. Соҳадаги ҳар бир мактаб муайян спорт турларига ихтисослаштирилиб, янги инвентарь ва анжомлар билан таъминланди. Буларнинг натижасида миллий терма жамоаларга спортчи етказиб бериш кўрсаткичи ҳам ошмоқда.

Профессионал спортчиларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилмоқда. Айни кунларда Жанубий Кореяда ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги IV қишки олимпия ўйинларида тоғ чанғиси бўйича спортчиларимиз иштирок этмоқда.

Маълумки, бу йил Париж шаҳрида тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси – ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ҳозирга қадар атлетларимиз уларга, мос равишда, 17 та ва 34 та йўлланмани қўлга киритган. Спортчиларимизнинг яна йўлланмалар олиши ва мусобақага пухта тайёргарлик кўриши учун барча шароит яратилган.

2025 йилда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган ёшлар ўртасида Осиё ва Параосиё ўйинларига ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Олимпия шаҳарчаси қурилиши жадал давом этмоқда.

Жорий йилда ижтимоий дастурлар доирасида 42 та спорт иншооти қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. "Беш ташаббус олимпиадаси" қамровини янада кенгайтирган ҳолда, иштирокчилар сонини 7 миллионга етказиш мўлжалланган. Спорт мактабларида қўшимча мингдан ортиқ гуруҳлар очиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари спорт таълимини ривожлантириш, спортчиларни халқаро мусобақаларга тайёрлашда илғор ёндашувларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

# Хитой билан самарали ҳамкорлик ўз натижасини бермоқда



**Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлик муносабатлари иқтисодиётнинг турли соҳаларида ривожланиб бормоқда. Хусусан, қурилиш соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилиб, Хитой компаниялари томонидан турли даражадаги объектларда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.**

Хусусан, яқинда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда Хитойнинг Савдо-саноат палатаси вакиллари, шу жумладан, хитойлик йирик компания вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда таъкидланганидек, шаҳарсозлик соҳасидаги бундай ҳамкорлик лойиҳалари Хитой миллий қурилиш стандартларини мамлакатимизга жорий этиш имкониятини беради. Шу боис, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиқов томонидан айни йўналишда ҳамкорлик қилиш таклифи илгари сурилди.

– Бундай ҳамкорлик ўз навбатида мамлакатимизда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини такомиллаштириш, замонавий талабларга мослаштиришда катта аҳамиятга эга, – деди Шерзод Содиқов.

Шунингдек, учрашув давомида ҳамкорларга институтнинг асосий фаолияти бўйича ҳам батафсил маълумот берилди. Мулоқот доирасида вакилларимиз Ўзбекистонда қурилиш соҳасида фаолият юритаётган Хитой компанияларининг шаҳарсозлик нормалари ва стандартлари билан боғлиқ масалалари бўйича фикр билдиришиб, таклиф ва тавсияларини ҳам ўртоқлашдилар.

Якунланган йилда ҳам қатор ҳамкорлик лойиҳалари асосида бир нечта муҳим аҳамиятга эга объектлар барпо этилиб, ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар ишга туширилди. Хусусан, ўтган йилнинг энг муҳим ҳамкорлик лойиҳаларидан бири сифатида пойтахтимизда барпо этилаётган Олимпия шаҳарчасини айтиш мумкин. Хитойнинг CAMC Engineering компанияси билан биргаликда бунёд этилаётган ушбу шаҳарчанинг майдони 100 гектар бўлиб, унда 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очиқ спорт иншооти, сув спорти саройи, велотрек, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилиши кўзда тутилган. Бу ерда 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган. Қурилишга мингдан зиёд ишчи ва муҳандислар, илғор техникалар жалб қилинган.

Булардан ташқари, Хитойнинг China Energy Engineering Corporation компанияси томонидан Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида умумий қуввати 2 ГВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари, Тошкент вилоятида эса хитой компанияси ҳамкорлигида қуввати 600 МВт бўлган GTES қурилиши, "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форуми доирасида "Ўзбекгидроэнерго" China Southern Power Grid International компанияси ўртасида Бўстонлиқ туманида қуввати 600 МВтга тенг "Юқори Пскем" гидро тўплаш электр станцияси қуриш бўйича шартнома имзоланганини ҳам ҳамкорликдаги алоқаларнинг натижаси, дея айтиш мумкин. Шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг Сиан шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг тараққиёт ва ислоҳотлар Давлат қўмитаси, Қирғизистон Республикаси транспорт ва коммуникациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ўртасида "Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон" темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича уч томонлама ҳужжат имзоланиши ҳам шулар жумласидандир.

Хитой билан самарали ҳамкорлик алоқалари жорий йилда ҳам янги босқичга кўтарилиб, янада ривожланиши кутилмоқда. Бу эса юртимизда яна кўплаб иншоотлар барпо этилишидан, янги иш ўринлари яратилишидан дарак беради.

**Ўз мухбиримиз.**

# Муҳим лойиҳалар муҳокама қилинди

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов айни кунларда Хитой Халқ Республикаси Пекин шаҳрида бўлиб турибди.**





Ташрифнинг биринчи кунида "China Camc Engineering CO.,LTD." компанияси бош директори ва "China IPPR International Engineering CO.,LTD." бошқаруви раиси билан учрашув ўтказилди.

Хабарингиз бор, мамлакатимиз қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида "China Camc Engineering CO.,LTD." компанияси билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги Олимпия шаҳарчаси қурилишида ҳам ҳамкорликда ишлар амалга оширилмоқда. Музокараларда дастлаб бу борада олиб борилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, учрашувда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди. Бунда давлат-хусусий шериклик механизмига асосланган инфратузилма объектларини ташкил этишнинг иқтисодий-ижтимоий томонлари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Муҳокамалар якунида 2024 йил 24 январь куни мазкур йўналишни ривожлантиришни мақсад қилган ҳамкорлик меморандумини имзолашга келишиб олинди.

# Дўстлик саноат шаҳарчасига айланмоқда

**Жиззах вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати ташаббуси билан Дўстлик туманига марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пресс-тур ташкил этилди.**



Тадбир иштирокчилари тумандаги ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган лойиҳалар билан танишишни "Саноатчилар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган микромарказдан бошлади. Бу ерда 10 гектар майдонда кичик саноат ҳамда тадбиркорлик зоналари ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 июлдаги "Маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Саноатчилар" МФЙ ҳудудидаги собиқ чиқинди полигони ўрнида 3 гектарлик микромарказ ташкил этилди. Маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик каби фаолият турлари билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш юритиш шароитларини яхшилаш, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилишини жадаллаштириш ҳамда шунга асосан доимий иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш режалаштирилган.

Президентимизнинг 2023 йил 23 февралдаги "Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этади. Касаначиларга қулай солиқ режимини жорий этиш, фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятига касаначиларни кенг жалб қилишни рағбатлантириш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш имконияти туғилди.

Ушбу микромарказдаги "Lola chinnilari" масъулияти чекланган жамиятда чинни буюмлари, "Do'stlik innovatsion textil" МЧЖда ҳар хил турдаги сумкалар ва махсус кийимлар, "Manas agro cluster" МЧЖда газли ва газланмаган ичимлик сувлари ишлаб чиқариш каби лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, синтепондан тайёр кўрпа, турли қоғоз, пенопластдан қурилиш-безак, зангламас металлдан мебель ва рўзғор буюмлари, қурилишбоп маҳсулотлар тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

– Тикувчилик мажмуасида ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда, – деди Дўстлик туман инвестициялар, саноат ва ташқи савдо бўлими бошлиғининг ўринбосари Олимжон Қаҳҳоров ЎзА мухбири Абдужалол Қаюмовга. – Россиялик ҳамкорлар билан 5 миллион АҚШ долларлик шартнома имзоланган. Чинни буюмлари эса Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларига экспорт қилинмоқда.

Мазкур микромарказда фақат қурилиш материалларининг 35 тури 50 дан зиёд тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Эътиборлиси, тайёр маҳсулот шу ернинг ўзида истеъмолчига етказиб берилаётгани ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида марказнинг ёнида қурилиш моллари бозори ташкил этилганидир.

Пресс-тур иштирокчилари "Саноатчилар" МФЙ ҳудудида барпо этилаётган сув тозалаш иншоотида бўлди. Умумий қиймати 20 миллиард сўмни ташкил этувчи иншоот туман учун муҳим аҳамият касб этадиган лойиҳалардан саналади. Дўстлик шаҳарчасидаги корхона, ташкилот, аҳоли хонадонларидаги оқова сув илгари очиқ майдонга чиқарилган эди. Янги барпо этилаётган иншоотда лойиҳага кўра, оқова сувлар тўпланиб, олти босқичда фильтрланиб, техник сувга айлантирилади. Аҳамиятлиси, қайта ишланган сувдан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш имконияти туғилади. 1800 метр куб сувни қабул қилиш қувватига эга ушбу иншоот жорий йилнинг март ойида тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Журналистлар пресс-тур давомида туман сув таъминоти идораси, "Саноатчилар" МФЙнинг янги биноси, "Чинобод" МФЙдаги "Янги Ўзбекистон" массивида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№5 (758) 2024 йил 23 январь

# Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида

**Наргиза МИРЁҚУБОВА**, "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқанд вилоятида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида юртбошимизнинг тегишли фармонлари асосида, уй-жойлар қурилиши режалаштирилган ва ушбу фармонлар ижроси юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан 2023 йилда қурилиши режалаштирилган уй-жойлар ва массивларни барпо этишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.**



Унга кўра, вилоят бўйича жами 203 та 10 843 хонадонли уйлар, шундан "Янги Ўзбекистон" массивларида, Булунғур туманида "Ғўбдин" массивида, умумий 34 та 650 хонадонли, Ургут туманининг "Мерганча" массивида жами 35 та 1 852 хонадонли, 5, 7, 9, 12 қаватли кўп хонадонли уй-жойлар ҳамда уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 134 та 8 341 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Булунғур туманидаги "Ғўбдин" массивида 7 та 156 хонадонли, Ургут туманидаги "Мерганча" массивида 7 та 385 хонадонли, шунингдек, уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 138 та 8 минг 133 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишага топширилган. Қолган массивларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, сўнгги пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Фойдаланишга топширилган турар жой бинолари атрофлари ободонлаштирилиб, тўлиқ коммуникация тармоқларига уланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023–2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2023–2027 йиллар мобайнида давом эттириш бўйича қўшимча 33 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг бош режалари ишлаб чиқилган. Қарор талабларига мувофиқ, 2023 йилда ишлаб чиқарилиши белгиланган 7 та маҳаллаларнинг Бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳалари "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ишлари амалга оширилди. Олиб борилаётган ишлар натижасида маҳалла ва гузарлар ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Пайариқ, Оқдарё, Иштихон, Каттақўрғон ва Пастдарғом ҳудудларида биттадан маҳаллада "Обод хонадон, Обод кўча, Обод маҳалла" тамойили асосида ички йўлларни таъмирлаш ва сув таъминотини яхшилаш, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларини мукаммал таъмирлаш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Абу Даби Тараққиёт жамғармаси иштирокида "Самарқанд шаҳри инфратузилмасини модернизация қилиш" инвестицион лойиҳаси асосида бугунги кунда Самарқанд шаҳрида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун тўрт йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 17 йилда қайтариш муддати билан қарз битими имзоланган. 2022–2026 йиллар давомида Самарқанд шаҳрида тўртта Лот бўйича қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилади. Мазкур лойиҳа асосида шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув иншоотларини реконструкция қилиш ишлари ҳам бажарилади. Ушбу ишлар дастлаб Амир Темур ва Бўстонсарой кўчалари кесишмасида амалга оширилиб, 500 диаметрли 760 метр узунликдаги тармоқ тортиш ишлари якунланди. Мазкур кўчада лойиҳанинг амалга ошириш "Девордан деворгача" тамойили асосида олиб борилди. Лойиҳа доирасида шаҳарда 2 та тоннель, 2 та кўприк қурилиш ишлари ҳам кўзда тутилган. Бу ишлар Ўзбекистон–Хитой консорциуми асосида ташкил қилинган қурувчилар томонидан олиб борилмоқда. Шаҳарнинг Гагарин ва Мирзо Улуғбек кўчалари чорраҳасида 750 метр қисмида қурилиш ишлари олиб борилиб, йўл ўтказгич якунланиш арафасида.

– Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 8 сентябрдаги 372-сонли қарорига асосан, Самарқанд шаҳрининг йўл инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ичимлик сув тармоқларини модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган, – деди лойиҳани амалга ошириш гуруҳи мутахассиси Беҳзод Тангиров. – Биринчи Лотда автомобиль йўлларини таъмирлашнинг биринчи босқичи Амир Темур кўчасининг Бўстонсарой кўча билан кесишмасидан, Амир Темур кўчасининг Гагарин кўчаси билан кесишмасига қадар бўлган, 2,3 қисми тўлиқ реконструкция қилинди. Нафақат йўлларни таъмирлаш, балки кўчадаги ободонлаштириш ҳам бу ишлар ҳажмига киритилган. Йўлларни қуришнинг иккинчи босқичида, Гагарин кўчасидан Гулобод кўчаси орқали М37 йўлига қадар бўлган 11,2 километр масофадаги йўллар реконструкция қилиниши белгиланган. Бу борада ҳам ҳозир Гагарин кўчасида ишлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида иккита тоннель типидаги йўл ўтказгичлар, икки дона кўприк қурилиши режалаштирилган. Биринчи йўл ўтказгич Гагарин ва Мирзо Улуғбек кўчалари чорраҳасида амалга оширилляпти. Ҳозирда ишлар қарийб Мирзо Улуғбек кўчаси томонидан якунланиш арафасида. Иккинчи йўл ўтказгич эса Гагарин ва Рудакий кўчалари чорраҳасида амалга оширилиши белгиланган. Иккита кўприк "Сиёб" канали устидан ўтувчи кўприк, шунингдек, темирйўл устидан ўтувчи учта кўприк ҳам тўлиқ қурилиб, реконструкция қилиниши белгиланган. Гагарин ва Амир Темур кўчаларида ичимлик суви тармоғини янгилаш, бундан ташқари, олтита насос станциялари ҳамда иккита "Дахбет" ва "Чўпон ота" сув иншоотларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилиши, Абу Даби Тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Самарқанд шаҳрини замонавий қиёфага келтириш билан бирга шаҳар аҳолисига қулайликлар яратиш, пиёдалар, велосипед ҳайдовчилари, жамоат транспорт воситалари ҳайдовчилари ва ундан фойдаланувчилар учун қулайликлар муҳайё этиш.

Албатта, 2023 йилда Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туман марказларида, олис қишлоқ ва маҳаллаларида амалга оширилган бу каби ўзгаришлар, барпо этилган ижтимоий соҳа объектлари, равон йўллар, газ, сув, электр тармоқлари бугун халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилаётганлиги эътирофли, албатта. Умид қиламизки, бу каби эзгу ташаббуслар жорий 2024 йилда ҳам кенг қулоч ёйиб, яратувчилик, бунёдкорлик ишлари давом этади.

# Қурилиш – виждон амалиёти

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ**, "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тарихга назар соладиган бўлсак, қурилиш ва бунёдкорлик жуда олис замонлардан бери инсон тафаккурида мавжуд. Одамлар қандай яшаса, шундай қуради, деган қарашда ҳам жон бор, аслида. Қайсидир қабила вакилидан 50 қаватли иморат қуришни талаб қила олмайсизку, ахир. Чунки улар учун бу тамоман бегона, фикрлашига зид. Шу сабаб ҳам ҳаётимизнинг қанчалар фаровон бўлиши онгимиз билан бевосита боғлиқ. Айни замонда қурилиш қудратли ва имконияти кенг соҳага айланиб улгурди. Эндиликда одамлар сув устида шаҳарлар қуришни ҳам бемалол уддалаяпти. Осмонўпар биноларнинг қурилиши ҳам одамларни ҳайрон қолдирмай қўйди. Қувонарлиси, юртимизда ҳам бу соҳа сўнгги беш йилда янада жонланди. Қурилиш фирмаларию турар жойлар сони ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда.**



Ана шундай фирмалардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бош кентимизда сифатли уйлар ва бизнес марказлар қуришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган "Prime Towers" жамоаси қисқа вақт ичида халқимиз ишончини қозона олди. 2017 йилда ташкил топган бу корхона аслида 2010 йилдан бери қурилиш лойиҳалари билан шуғулланиб келади. Бугунги кунда бир қатор йирик лойиҳалар муаллифи сифатида танилиб улгурган ушбу корхонада ишчиларни қадрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Кўп хусусий фирмаларда ишга кириш учун норасмий бир ё икки ойлик хизмат ҳаққисиз ишлаш ҳолатлари борлигини эшитамиз. Аммо бу ерда ходим синов муддати асосида қабул қилинса ҳам, ишлаган куни учун пул тўлаб берилар экан. Байрамларда рағбат пуллари берилиши, ҳар ойда вилоятлик ишчилар учун махсус дам олиш кунлари белгиланишини эшитиб тўғриси, унчалик ҳам ишонмадик. Аммо ишчилар ҳам буни тасдиқлагач, хурсанд бўлдик. Бизда ҳам тизимли иш олиб бораётган корхоналар сони ортаётгани қувонарли, албатта. Чунки кўп қурувчилар билан суҳбат қилганимда рағбат пуллари тугул, ойликни вақтида бермасликларидан ёзғиришарди. Айниқса, ётоқ жой ва озиқ-овқатга тузук эътибор бермайдиган фирмалар кўп. Ҳозирда 120 нафар ишчи фаолият кўрсатадиган "Prime Towers" жамоаси ходимларга керакли шароитлар яратиб берганига ўзимиз гувоҳ бўлдикки, эшитганларимиз қуруқ гап эмаслигига ишондик.

Бу ҳақда компания ходимларидан бири Элҳан Мўминов шундай деди:

– Жамоамиз қарийб 15 йиллик тажрибага эга. Биргаликда ўсдик, биргаликда ривожландик. Жамоамиз аъзолари ўз ишининг усталари. Биласиз, бу соҳада ходимларни беш йил бир жойда ушлаб туришнинг ўзи катта гап. Биз эса фаолият бошлаганимиздан бери биргамиз. Бир-биримизни яхши тушунамиз, ишонамиз, меҳнатимизни қадрлаймиз. Иш ҳақининг кечиктирмай берилиши ва лойиҳалар сони кескин ошириб юборилмаслиги доимий назоратда. Қолаверса, корхонамиз томонидан ер танлашга алоҳида эътибор қаратилади. Кўпроқ табиати яхши, дарахтлари кўп, шаҳар маркази ёки унга яқин ҳудудлардан жой танлаб, сотиб оламиз. Ер сотиб олдинг дегани, дарров нимадир қуриб ташлаш кераклигини англатмайди. Ўйлаб, ҳудудга мос лойиҳа шакллантирамиз. Энг муҳими, ҳар бир лойиҳани ўз вақтида топшириб келяпмиз. Ҳатто бир мижознинг ўзи еттиталаб уй олган пайтлар ҳам бўлган. Шундан биламизки, бизга ишонишади. Биз ҳам бу масъулиятни ҳис қилган ҳолда уларнинг ишончини ҳамиша оқлашга интиламиз. Ҳар бир турар жой биносини қуришдан олдин унинг 100-200 йил эгасига хизмат қилишини ҳисоби олинади. Ҳозирда пойтахтимизнинг яна бир манзилида 10 қаватли бизнес марказини қуряпмиз.

Дарҳақиқат, қурилиш жараёни охирлаб қолган "Prime Residence" лойиҳаси билан танишганимизда, унинг жозибадорлиги, қулайлиги, сифатли тарзда қурилгани эътиборимизни тортди. Премиум классдаги уйлар бўлгани учун алоҳида дид билан ишлангани бир қарашдаёқ сезилади. Қолаверса, компания ўзи барпо қилган уйлар учун қўриқлаш, тозалаш каби бир қанча маиший хизматларни ҳам кўрсатиб келади. Ўз мижозларига ғамхўрлик қилиш ва доимо ҳамнафас бўлишга интилади.

Қурилиш майдончасида бўлиб, ишчилардаги кўтаринки кайфият, кўзларида акс этган куч ва ғайратнинг гувоҳи бўларканмиз, йирик лойиҳалар тамалидан то якун топгунга қадар тик оёқда турадиган прораб – лойиҳа масъули билан суҳбат қилмасак бўлмасди. Сизларга суҳбатимизнинг энг муҳим жойларини ҳавола қиламиз.

## НОДИР СУЛАЙМОНОВ ҲИКОЯСИ



Халқимизда бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, суҳбатдошимиз ҳам ёшлигидан ўз касби томон аста-секин одимлаган инсонлардан. Нодир Сулаймонов 1978 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ қўлига қалам олиши билан беихтиёр уйларнинг суратини чизишга киришиб кетишини завқ билан гапириб берди. От ўрнини той босар, деб бекорга айтишмайди. Нодир аканинг отаси ҳам қурилиш соҳасида фолият юритгани ёш йигит қалбида қурилишга нисбатан меҳр уйғонишига сабаб бўлди. Мактабни тамомлаб, Тошкент қурилиш техникумига ўқишга киради.

Қурилиш соҳасидаги илк фаолияти ҳақида Нодир Сулаймоновнинг ўзи шундай деди:

– Мактабда ўқиш билан бирга дадамнинг ишларига ҳам ёрдам берардим. У киши ҳам ўз билганларини синчиклаб ўргатган. Шунданми, қўлим анча ишга бориб қолганди. Мени кўпроқ амалиёт ва тажриба қурувчига айлантирди, десам адашмаган бўламан. Россияда ҳам 8 йил шу соҳада меҳнат қилдим.

Тақдир тақозосини қарангки, қайнотам ҳам қурилиш соҳасида илмий даражага эга киши эди. Гапнинг индаллосини айтганда, ҳар икки тарафдан олган билимларим ҳисобига яхши мутахассис бўлиб етишдим. Асосан, пайвандлашга қизишим юқори бўлгани учун иштиёқ билан ўз ишимнинг сир-асрорларини ўргандим. Ҳозир энг мураккаб пайвандлаш жараёнларини ҳам ипидан-игнасигача ўзлаштирганман. Секин-секин лойиҳалар билан ишлашни ҳам ўргандим. Қурилиш виждон билан бўладиган иш. Фақат виждонли инсонларгина сифатсиз иш қилишдан, яроқсиз уйлар қуришдан ўзини тия олади. Энг аввало, Худодан қўрқади, тилида виждонлиман демасдан, амалда ҳам қаттиқ туриб, ўз ишини мукаммал битиради. Тўғри, қурилиш осон эмас, унда қанча жавобгарлик, кўзга-кўринмас муаммолар бор. Шу сабаб, ҳамма ҳам бу соҳани танлайвермайди.

Нодир Сулаймонов билан суҳбатимиз қизғин кечаркан, соҳадаги кадрлар муаммоси, пул илинжида пала-партиш амалга оширилган қурилишлар ҳақида ҳам фикрлашдик. У киши айни пайтда эски кадрлар қолмагани, истеъдодли ёшлар эса четга чиқиб кетганлигини таъкидлади. Аммо ҳозир юртимизда ҳам шароит ва имкониятлар яхшиланганини алоҳида қайд этди. Аслида, ҳар бир соҳа вакилининг меҳнати муносиб баҳоланса, ўша жойда ўсиш бўлиши ҳақиқат. Нодир акадан қандай ришта сабаб айнан битта фирмада иш олиб бораётгани ҳақида сўраганимизда қуйидагича жавоб берди:

– Бу ерда ҳамма ўз ишига ҳоким. Менинг ишимга ҳам ҳеч ким халақит қилмайди. Эркинман. Мен ҳам директор ёки бошқа бировнинг ишига аралашмайман. Муҳими, ишонч. Биздан раҳбарият сифатли лойиҳа кутади. Қанча молиявий харажат, хомашё кетишини ўйламаймиз, муҳими, керакли сифатга эришсак, юзимиз ёруғ бўлса бўлди. Ҳар бир лойиҳани белгиланган нормативлар асосида амалга ошириш – қурилишнинг асосий маданияти ҳисобланади. Сиз айтган пул учун соҳага кирган баъзи одамлар яхши кадрнинг фарқига бормайди, қарабсизки, иш ҳам рисоладагидай кетмайди. Арзон хомашё, тажрибасиз жамоа лойиҳани оқсоқ ҳолга олиб келади. Оқибатда, истеъмолчи бундан зарар кўради. Шундай прораблар борки, катта лойиҳа бошига туриб олади. Айбини айтсанг, қабул қилмайди. Диплом бор, тажриба ва лаёқат эса тескариси. Ҳар бир соҳада бўлгани каби қурилишнинг ҳам кушандаси – илмсизлик, тажрибасизлик, иккиюзламачилик деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, Нодир ака айтгани каби ўзи билмаган нарсаларни биламан дейдиган, қайсидир соҳада даромад яхши бўлса, ўз имкониятини чамаламай бош қўшадиганлар ҳам кўплаб топилади. Аслида, бу ишимиз билан ўзимизни ҳам, атрофдагиларни ҳам қийнаймиз. Яратган ҳаммага бир қобилият берган, эътиборимизни ўзимизда бор кўникмаларни шакллантиришга қаратсак, айни муддао бўларди. Яъни, ҳамма ўзи билган иш билан шуғулланса, олам гулистон. Нодир ака фарзандига боғча пайтидан бошлаб, легода уйлар қуришни ўргатиш орқали ўз касбига қизиқиш уйғотаётганини эшитиб хурсанд бўлдик. Зеро, келажакда фарзанди ҳам ўзи истагандан кўра кучлироқ қурувчи бўлса, не ажаб?!



# Қурилиш олиб боришнинг ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатлари

**Қурилиш жараёни бўлаётган объектларни назорат қилиш шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан қурилишга тайёргарлик кўриш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш даврида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.**



## НАЗОРАТ

**Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексининг 26-моддасига кўра, шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш чоғида қуйидагилар таъминланиши керак:**

- қурилиш устидан давлат назорати;
- буюртмачининг техник назорати;
- ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати;
- пудратчининг ички назорати.

**Шунингдек, мазкур кодекснинг 27-моддасига мувофиқ, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат назорати Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Ушбу инспекция ва ҳудудий инспекциялар ўз ваколатлари доирасида:**

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва махсус ваколатли давлат органининг ҳудудий бўлинмаларига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида тақдимномалар киритади;
- бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, фуқаро ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи конструктив қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради ҳамда демонтаж ишлари амалга оширилишини талаб қилади;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита кўрсатма бажарилмаган ҳолларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради ва демонтаж ишларини олиб бориш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилади;
- юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик фаолияти соҳасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни, уларни бажаришнинг шаҳарсозлик фаолияти объектидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш учун зарур бўлган мутаносиб муддатларини, лекин кўпи билан олтмиш кунни белгилаган ҳолда, беради;
- шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга тақдимномалар юборади;
- шаҳарсозлик фаолияти объектларида бинолар ҳамда иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари қўлланилганлиги аниқланган ҳолларда, қурилиш материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришни, реализация қилиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар юборади;
- қурилаётган объектларга монеликсиз киради ва давлат назорати вазифаларини амалга оширади;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига, қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишига риоя этилиши устидан, шунингдек, техник ва муаллифлик назорати юритилиши устидан танлаб ўтказиладиган давлат назоратини амалга оширади;
- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда маъмурий баённомаларни расмийлаштиради ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;
- ўз ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни, маълумотлар ва ахборотни вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан сўрайди ва олади;
- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларини, илмий-техник ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг экспертлари ҳамда мутахассисларини давлат назорати тартибида ўтказиладиган текширувларга жалб этади;
- қурилиш объектларидаги авариялар ҳолатларини текшириш бўйича идоралараро комиссиялар ишида иштирок этади;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга конструкцияларнинг айрим элементларини, узеллар ва деталларни очиш ва қайта ёпиб қўйиш, пойдеворлар остидаги тупроқни, қўлланилган қурилиш материалларини, конструкцияларини, буюмларини ҳамда муҳандислик коммуникацияларини синаш юзасидан топшириқлар беради, шунингдек, тегишли хулоса тайёрлаш учун экспертлар ва мутахассисларни жалб қилади.

Шунингдек, инспекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ

Шаҳарсозлик кодексининг 32-моддасига асосан, қурилиши тугалланган объект буюртмачи томонидан тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ тайёр бўлганда ва ижро ҳужжатлари, мувофиқлик декларацияси, бажарилган ишларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифати тўғрисидаги хулосалар мавжуд бўлганда фойдаланишга топширилади.

**Қуйидагилар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш иштирокчиларининг вазифаларига киради:**

- қурилиши тугалланган объектнинг тайёрлигини белгилаш ва ҳужжатли тасдиқлаш;
- бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини баҳолаш;
- технологик, муҳандислик ёки бошқа ускуналарни (муҳандислик тизимларини) синовдан ўтказиш;
- объектнинг ишга тушириладиган қувватининг (сиғими, ўтказувчанлигининг) шаҳарсозлик ҳужжатларида тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқлигини белгилаш.

Тасдиқланган лойиҳа ечимлари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишлари аниқланган тақдирда, шунингдек, техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларнинг салбий хулосалари мавжуд бўлганда буюртмачи пудратчи томонидан бузилишлар бартараф этилганидан сўнг объектни фойдаланишга қабул қилади. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш пудратчи ва буюртмачи ўртасида имзоланадиган қурилиши тугалланган объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири Муродбек ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

# Ҳар бир соҳада касаба уюшмасининг ўрни беқиёс

**Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларга бағрикенглик кўрсатиш, жамоа аъзоларининг ижтимоий ҳимояси, соғлигини тиклаш ва дам олишини ташкил этишда жамиятда ўз ўрнига эга бўлган ташкилотлардан бири – Касаба уюшмаларидир. Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси 73-моддасида ҳам касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрий эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.**



Хусусан, бугунги кунда “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси ҳам бу борада анча фаол. Мисол учун, Бойсун воҳанинг чекка ва олис туманларидан бири. Айрим ходимлар ҳудуддаги газ тўлдириш иншоотига узоқ маҳаллалардан қатнаб ишлайди. Айниқса, об-ҳаво ноқулай бўлган кунларда улар ишдан қайтишда баъзи муаммоларга дуч келишади. Эндиликда яратилган янги шароитлар бу масалага чек қўйди. Ходим шу ернинг ўзида овқатланиб, тунаб қолиши учун барча шароит яратилган.

– Кейинги йилларда ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиб, барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди “Бойсун” газ тўлдириш шохобчаси техник ҳисобчиси Абдумажид Абдураҳимов. – Жумладан, бепул махсус иш кийимлари билан таъминлаш жорий этилди. Соғлиғини сақлаши учун сут маҳсулотлари тарқатилади. Дам олиш ва овқатланиш хоналари ҳам тун-у кун уларнинг хизматида. Кўчма ювиниш хонаси ҳар бир ишчи-ходимнинг санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиб, меҳнат қилиши учун яна бир қулайлик бўлди. “Жарқўрғон” газ тўлдириш станциясида яратилган янги шароитлар ҳам ишчи-ходимларга бир олам қувонч улашди. Чунки, улар шу ернинг ўзида овқатланиши, дам олиши мумкин. Доимий иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган кўчма ювиниш хонасида ҳам барча қулайлик мавжуд.

– Иш жойимизнинг ўзида янги масканлар қурилиб, фойдаланишга берилгани бизнинг ўз вазифамизга бўлган муносабатимизни янада ўзгартирди, – деди “Жарқўрғон” газ тўлдириш станцияси синовчи мутахассиси Алишер Юнусов. – Мисол учун, мен 40 километр узоқдан қатнаб ишлайман. Қишнинг совуғида ҳам, баҳорнинг серёғин кунларида ҳам ишга келаман. Албатта, бу баъзан қийинчилик туғдирарди. Энди ишдан жуда кеч қолсам ёки ёғингарчилик кунларда шу ерда тунаб қолишим мумкин. Дам олиш, овқатланиш ва ювиниш учун ҳам барча шароит муҳайё қилинганидан хурсандмиз.

Бундан ташқари, ҳар бир ходим иш жойида махсус формада бўлиши қатъий белгиланган, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали ходими Бекзод Бобоқулов. – Шунингдек, техника хавфсизлиги бўйича ажратилган махсус кийимлар ва иш жараёнида меҳнат қуролларидан тўғри фойдаланиш талаб этилади. Бу тартиблар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашда, яратилган янги шароитлар эса уларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Вазифасини чуқур ҳис этган ҳолда ўзи ва истеъмолчилар саломатлигини хатарга қўймасдан бажариши учун қулай муҳит яратади.

Шу билан бирга, “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиалининг Бошланғич касаба уюшмаси томонидан имтиёзли равишда ҳар бир ходимнинг ўз вақтида маданий ҳордиқ олиши учун мамлакатимизнинг турли сўлим жойларида даволаниши йўлга қўйилган. Қолаверса, тарихий шаҳарларга саёҳатлар мунтазам ташкил қилинмоқда. Ўтган йилда Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятларига саёҳатлар ташкил этилди. Бундан ташқари, ходимлар иштирокида турли тадбирлар, спорт мусобақаларининг доимий равишда ўтказилиши уларга кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Мухтасар айтганда, “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали томонидан олиб борилаётган мана шундай кенг кўламли ишлар энг аввало, аҳоли фаровонлигини оширишга, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим. Зеро, йилнинг тўрт фаслида ҳам жонкуяр газ соҳаси ходимлари истеъмолчилар учун куну тун хизматда.

**САМАРҚАНДДАН ДАРАКЛАР**

# Аҳолига қулайлик яратилди

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқанддаги “Нурли келажак ишонч сервис” МЧЖ бинокорларининг самарали меҳнати туфайли аҳолига кўплаб қулайликлар яратилмоқда.**

Шаҳар четида “Ақлли шаҳар” лойиҳасини амалга ошираётган ишбилармонлар бундан илгарироқ вилоят давлат хизматлари маркази биносини тиклаб, одамларга чексиз қувонч бағишлаган эди. Яқинда эса улар Самарқанд туманининг Янгиариқ маҳалласи ҳудудида, ҳалқа йўл бўйида муҳташам савдо мажмуасини ишга туширишди.

– Бу ердаги қишлоқлар аҳли асосан деҳқончилик ва чорва билан шуғулланишади, – деди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Баҳодир Абдураҳмонов. – Ёшларнинг аксари эса ишсизликдан қийналиб қолишганди. Тадбиркорлар саъй-ҳаракати туфайли бу жойда саноат, хизмат кўрсатиш маркази қурилди. Эндиликда барча шароитларга эга бўлган ушбу мажмуа ёшларга ҳар томонлама имконият яратди, йигит-қизларнинг бандлиги таъминланмоқда.

10 гектардан зиёд майдонни эгаллаган мажмуа замонавий бинокорлик андозалари асосида қурилган бўлиб, у 750 та савдо дўкони, 2 та банк филиали, 2 та автосалон, ошхона, маиший хизмат шохобчалари ва 2300 та автомашина сиғимига эга автотураргоҳни ўз ичига олган. Иншоотнинг мукаммал барпо этилишида вилоятда фаолият юритиб келаётган “Univer pro stile” МЧЖ лойиҳа ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

# Мономарказда япон тили ўргатиляпти

**Йигит-қизларимизнинг Япония мамлакатида ишлаш орзуси рўёбга чиқа бошлади.**

Икки давлат ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, эндиликда тил билган, муайян касб-корни пухта эгаллаган ёшлар кунчиқар мамлакатга бориб ишлаши мумкин. Шу мақсадда Самарқанддаги “Ишга марҳамат” мономарказида япон тилини ўргатиш ва малака ошириш курслари ташкил этилди.

– Японияда ишлашни хоҳловчи ҳамюртларимизга танлаган ихтисослиги бўйича касб ўргатишни бошлаб юбордик, – деди мономарказ ўқитувчиси Ойбарчин Саъдуллаева. – Ёшлар олти ой давомида тайёргарлик кўриб, тилни билиш ва мутахассислик бўйича тест топширишади. Шундан сўнг, имтиёзни қўлга киритадилар. Бунинг учун марказда барча шароит яратилган.

**ХОРАЗМДАН ДАРАКЛАР**

# Шаҳардан қолишмайдиган маҳаллалар

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун Янгиариқ туманидаги Ширшоли маҳалласига борсангиз, ўзингизни шаҳарда юргандек ҳис қиласиз. Чунки кейинги йилларда маҳаллада “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.**

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан тўлиқ таъминлаш каби йўналишларда комплекс ишлар олиб борилди.

Хусусан, ички йўллар тартибга келтирилди. 10 километр йўлга шағал ётқизилиб, 1,5 километр йўл асфальт қилинди. 1,3 километр ичимлик суви қувурлари ўтказилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. 75 та эски симёғоч янгисига алмаштирилди. Шунингдек, замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган маҳалла фуқаролар йиғини ва маҳалла гузарининг янги биноси ҳам ҳудуд қиёфасига ўзгача кўрк бағишлаяпти. Бинода устахона, тикувчилик цехи, гўзаллик салони, 2000 та китоб фондига эга кутубхона, тиббиёт пункти ва оталар чойхонаси фаолияти йўлга қўйилган.

Мажмуанинг очилиш маросимида вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, бошқа масъул ходимлар иштирок этди.

Шунингдек, тантанали тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинига замонавий телевизор ва компьютер жамланмаси совға қилинди. Илғор қурувчиларга ҳам эсдалик совғалари тақдим этилди.

Худди шундай “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари асосидаги бунёдкорлик ишлари Қўшкўпир туманидаги Шихмашхад маҳалласида ҳам амалга оширилди. Маҳалла аҳолиси 4 323 нафар бўлиб, хонадонлар сони 1009 тани ташкил этади. Дастурлар доирасида 11 та кўчада ободонлаштириш ҳамда хонадонларнинг ташқи фасадини яхшилаш ишлари олиб борилди. Маданият, Фазо, Сервиқор кўчаларидаги эски симёғочлар янгисига алмаштирилиб, 2 янги та трансформатор ўрнатилди. Газ ва ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар барҳам топди.

Якунланган йил сўнгида 120 ўринли 38-мактабгача таълим ташкилоти янгидан қуриб фойдаланишга топширилгани эса ҳудуд аҳлининг қувончига сабаб бўлди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова Шиҳмашҳад маҳалласида бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишди ва маҳалла фуқаролар йиғини биносида фаоллар билан учрашди.

# “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ишга тушди

**Республикамизнинг 28 та туман ва шаҳарларида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази синов тариқасида йўлга қўйилиши белгиланган эди. Хоразм вилоятининг Урганч ва Янгибозор туманларида ушбу марказлар ўз иш фаолиятини бошлади.**

Янгибозор туманида ишга туширилган ушбу марказ тумандаги 30 та маҳалланинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини тўлиқ қамраб олади. Муассаса 28 нафар малакали ходим билан таъминланган бўлиб, улар аҳолига 49 турдаги ижтимоий хизматни кўрсатиш билан шуғулланади.

Янги бинонинг очилиш маросимида қатнашган вилоят ҳокими Ж. Раҳимов ходимлар олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталди.

– Марказимиздаги 28 нафар ходимнинг 14 нафари бевосита маҳаллалар билан иш олиб боради,– деди марказ директори Алишер Машарипов. – Ҳар бир ходимга иккитадан маҳалла бириктирилган. Улар халқнинг ичига кириб, муаммоларини ўрганиш билан шуғулланади. Олдин тарқоқ жойда фаолият юритиб келаётган ижтимоий марказ эндиликда битта жойда, давлат хизматларига ўхшаб аҳолига хизмат кўрсатади.

# ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ!

**Республика Узбекистан**
**Сектор: Сельское развитие. Закупка работ**
**Номер контрактов: SRDP-NAV-W-01, SRDP-NAV-W-02, SRDP-NAV-W-03 SRDP-NAV-W-04, SRDP-NAV-W-05, SRDP-NAV-W-06**
**Номер кредита: UZB-1023**
**Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности**

1. **Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Навоийской области:**

